

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.18.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

АБДУХАМИДОВ САРВАР АДХАМОВИЧ

**МИНТАҚАВИЙ ТУРИЗМНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ
МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.17 – Туризм ва меҳмонхона фаолияти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on economical sciences**

Абдухамидов Сарвар Адхамович

Минтақавий туризмнинг ташкилий-иқтисодий механизмини

такомиллаштириш 3

Абдухамидов Сарвар Адхамович

Совершенствование организационно-экономического механизма

регионального туризма 29

Abduhamidov Sarvar Adhamovich

Improving the organizational and economic mechanism of regional tourism..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 59

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.18.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

АБДУХАМИДОВ САРВАР АДХАМОВИЧ

**МИНТАҚАВИЙ ТУРИЗМНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ
МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.17 – Туризм ва меҳмонхона фаолияти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PHD/Iqt323 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб – саҳифаси (www.sies.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталига (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Тухлиев Искандар Суюнович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Навруз-зода Бахтиёр Негматович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Досчанов Тангирберген
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Қарши давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.I.18.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил « 8 » 8 кунни соат 14.30 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 9-уй. Тел: (99866) 233-19-84; Факс: (99866) 231-12-53, e-mail: sies_info@edu.uz.

Диссертация иши билан Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (036 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 9-уй. Тел.: (99866) 233-19-84; Факс: (99866) 231-12-53, e-mail: sies_info@edu.uz.

Диссертация автореферати 2021 йил « 24 » IX кунни тарқатилди
(2021 йил « 24 » IX даги 5 рақамли реестр баённомаси).



М.Э. Пўлатов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

Н.Э. Ибадуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н., доцент

М.М. Мухаммедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон глобаллашув шароитида туризм индустрияси иқтисодиётнинг энг истиқболли тармоқларидан бирига айланиб бормоқда. Бутунжаҳон туризм ташкилотининг маълумотларига кўра, “2019 йилда халқаро туристлар сони 1,5 миллиардга етиб, Европа минтақасига келган туристлар сони 4%, Осиё-Тинч Океани минтақасида 5%, Африкада 4%, Америка минтақасида эса 2% ни ташкил этди. Энг юқори ўсиш кўрсаткичи Яқин Шарқ минтақасида кузатилиб 8%ни ташкил этган”¹. Аммо коронавирус пандемияси сабабли 2020 йилнинг биргина январ-май ойлари оралиғида жаҳон туризм индустрияси 320 миллиард доллар даромадни йўқотган. Бутунжаҳон туризм ташкилоти (UNWTO) ҳисоботида асосан бу кўрсаткич 2009 йилдаги глобал молиявий-иқтисодий инқироз натижасида соҳа томонидан кўрилган зарарлардан уч барабар кўпдир².

Жаҳонда минтақавий туризмни инновацион ривожлантириш, туристик хизматларнинг сифати ва самарадорлигини ошириш юзасидан мақсадли илмий изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан, туризм хизматлар бозорида минтақавий туризмнинг ривожланиш йўналишларини белгилаш, миллий иқтисодиётда унинг ривожланиш кластери моделини ишлаб чиқиш, минтақаларнинг инвестицион туристик жозибадорлигини ошириш, замонавий туризм инфратузилмаларини шакллантириш, минтақаларда туризм хизматлари самарадорлигини ошириш услубиётини такомиллаштириш, коронавирус (COVID-19) пандемиясининг туристик хизматлар экспортига таъсирини камайтириш йўллари ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундай шароитда минтақавий туризмни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш муҳим масалалар қаторига киритилган.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида туристик хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш, ўрта муддатли истиқболда туризм соҳасидаги давлат сиёсатининг мақсадли вазифалари ва устувор йўналишларидан бири сифатида “...туризмга иқтисодиётнинг стратегик сектори мақомини бериш, ушбу соҳани барча ҳудудларни ва ўзаро боғлиқ тармоқларни комплекс равишда жадал ривожлантиришнинг етакчи кучига айланиши лозим бўлган иқтисодиётни диверсификациялаш, таркибий ўзгартириш ва барқарор ривожланишнинг қудратли воситасига айлантириш...”³ белгиланди. Ушбу вазифаларнинг бажарилиши макродаражада туризм соҳасини ривожлантириш, ЯИМдаги улушини ошириш, аҳолини янги иш ўринлари билан таъминлаш мақсадида, рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида минтақавий туризмни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий

¹World tourism barometer. Volume 18. Issue 1. January 2020

² <https://www.unwto.org/>

³Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сонли «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й.

механизмини такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сон «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 16 августдаги ПҚ-3217-сон «2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори, 2018 йил 3 февралдаги ПФ-5326-сон «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 6 февралдаги ПҚ-3509-сон «Кириш туризмни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, 2018 йил 7 февралдаги ПҚ-3514-сон «Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, 2019 йил 5 январдаги ПҚ-4095-сон «Туризм тармоғини жадал ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, 2020 йил 28 майдаги ПФ-6002-сон «Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, 2020 йил 19 июндаги ПҚ-4755-сон «Туризм соҳасини санитария-эпидемиологик хавфсизликнинг кучайтирилган режими талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, 2021 йил 9 февралдаги ПФ-6165-сон «Ўзбекистон республикасида ички ва зиёрат туризмни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Туризм соҳаси ва унинг турли шакллари ривожлантиришнинг назарий-методологик жиҳатлари қўллаб-қўриқовчи олимлар⁴, жумладан: А.Ю.Александрова, И.Т.Балабанов, М.А.Жукова, М.Б.Биржаков, Ю.А.Барзиков, Н.И.Кабушкин, Р.В.Колотова, А.Э.Саак, В.А.Квартальнов, А.Д.Чудновский, Ф.Шерер, А.Б.Косолапов ва

⁴Александрова А. Ю. Международный туризм. Учебное пособие для вузов. - М.: Аспект Пресс, 2001.– 464 с.; Балабанов И.Т., Балабанов А.И. Экономика туризма. -М.: Финансы и статистика, 2003. –176 с.; Биржаков М.Б. Введение в туризм. – Издание 9-е переработанное и дополненное.– СПб.: «Издательский дом Герда», 2007. – 576 с.; Жукова М.А. Менеджмент в туристском бизнесе. Учебное пособие. - М.: КНОРУС, 2006. - 160 с.; Кабушкин Н.И. Менеджмент туризма: Учебник. 4е изд., стереотип. Мн.: Новое знание, 2004. -409 с.; Квартальнов В.А. Туризм: история и современность: Избр. произведения: В 4-х т. -М.: Финансы и статистика, 2002. – 499 с.; Саак А.Э., Пшеничных Ю.А. Менеджмент в социально-культурном сервисе и туризме. -СПб.: Питер, 2006. – 512 с.; Чудновский А.Д., Жукова М.А. Менеджмент в туризме и гостиничном хозяйстве. - М.:КНОРУС, 2005.– 320 с.; 698 с.; А.Б.Косолапов Туристское страноведение. Европа и Азия: учебно – практическое пособие. – 2-е изд., стер– М.2006-400с.

бошқалар томонидан тадқиқ қилинган. Ушбу муаммоларни ўрганишга Ўзбекистонлик олимлардан⁵ К.Х.Абдурахмонов, М.Қ.Пардаев, И.С.Тухлиев, Н.Т.Тўхлиев, М.М.Мухаммедов, Б.Н.Наврўз-зода, Т.Досчанов, Д.Х.Асланова, Б.Х.Тураев, А.Ф.Саидов, О.Х.Ҳамидов, Н.Э.Ибадуллаев, А.А.Эштаев, Б.Ш.Сафаров, М.Т.Алимова, М.Т.Алиева, А.Н.Норчаев ва бошқаларнинг илмий ишлари бағишланган. Аммо, бевосита республикамиз миллий туризмнинг минтақа даражасидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш хусусиятлари ва тенденциясини илмий жиҳатдан асослаш, минтақаларнинг туристик салоҳиятидан самарали фойдаланишни таъминлайдиган ташкилий-иқтисодий тизимни такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқот ишлари етарли даражада олиб борилмаган. Буларнинг барчаси ушбу тадқиқот иши мавзусининг танланишига асос бўлди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ҳамда ОТ-Ф1-61 рақамли «Ўзбекистоннинг туристик-рекреацион салоҳиятини ривожлантиришда минтақавий геоахборот тизимини шакллантириш» мавзусидаги давлат гранти лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида минтақавий туризмни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмининг такомиллаштириш бўйича илмий-амалий тавсия ва таклифларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

“туризм” ва “минтақавий туризм” тушунчаларининг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини асослаш;

⁵ Абдурахмонов К. Туристическая индустрия в условиях пандемии. Туризмда инновацион-инвестиция жараёнларини ривожлантириш истикбол-лари. / 2020 йил 3 июн. Халқаро илмий-амалий конференцияси материаллари. Самарқанд, СамИСИ, 2020.; Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Национальные модели развития туризма. -Т.: Гос.науч.изд-во «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2006. – 424 с.; Тухлиев И. ва бошқа муаллифлар. Туризмни режалаштириш. Дарслик. -Т.: “Iqtisod-Moliya” нашриёти, 2010. – 238 б.; Пардаев М., Атабаев Р. Туристтик ресурсларни таҳлил қилиш ва баҳолаш. -Самарқанд: СамИСИ, 2006. -137 б.; Мухаммедов М. ва б. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва туризмни ривожлантиришнинг назарий асослари. С.: 2007. – 299 б.; Навруз-зода Б. ва б. Туристтик худуд рақобатбардошлиги. Монография. Б.: 2017. – 156 б.; Досчанов Т., Рўзметов Б. Туризмни ривожлантиришда музейлар фаолиятига рақамли технологияларни қўллаш масалалари. – Самарқанд, СамИСИ, 2021 й. 103-107 б. Асланова Д. Модели формирования туристского кластера за рубежом. «Сервис» илмий оммабоп журнали, 2013. №1; Тураев Б.Х. Организационно-экономические механизмы регионального туризма. -Т.:«Фан», 2009. – 154 с.; Саидов А.Ф. Организационно-экономические механизмы управления туризмом Республики Узбекистан: Дисс. док. экон. наук. -Т.: 1994. - 252 с.; Хамидов О.Х. Выбор конкурентной стратегии предприятия на рынке туристических услуг Узбекистана: Дисс. канд. экономических наук. -С.: СамИСИ, 2006. -155 с.; Ибадуллаев Н.Э. Туристтик ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имкониятлари (Самарқанд вилояти мисолида). и.ф.н. илмий даражасини олиш учун диссертация. -С.: 2010; Eshtaev A.A. Turizm industriyasini boshqarishning marketing strategiyasi. Monografiya. – Т.: Fan, 2011.; Алиева М.Т. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида туризм хизматлари соҳасини бошқаришнинг иқтисодий жиҳатлари (Ўзбекистон Республикаси мисолида): и.ф.д. илмий даражасини олиш учун диссертация. –С.: 2020. -275 б.; Сафаров Б.Ш. Миллий туризм хизматлар бозорини инновацион ривожлантиришнинг методологик асослари. Монография.-Т.: 2016.-184 б.; Алимова М.Т. Худудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари. Монография. Т.: 2015. -300б. Норчаев А.Н. Халқаро туризм ривожланишининг иқтисодий ўсишга таъсири (Испания мисолида): и.ф.н. илмий даражасини олиш учун диссертация. -Т.: 2004. -136 б.

минтақавий туризмни ривожлантиришга таъсир қилувчи омиллар тизимини ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон вилоятларини туристик минтақаларга районлаштириш усули асосида таҳлил қилиш ва баҳолаш;

минтақада туристик хизматларнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улушини аниқлаш;

минтақанинг туризмга ихтисослашувини аниқлаш ва туристик жозибадорлигини баҳолаш;

минтақавий туризмни ривожлантиришда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш механизмини такомиллаштириш;

Ўзбекистон Республикасида коронавирус пандемиясидан сўнг туризмни тиклаш бўйича стратегик режалаштиришнинг таркибий қисмларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон ҳудудларида жойлашган туризм соҳасидаги субъектлар фаолияти олинган.

Тадқиқотнинг предмети минтақавий туризмни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган тадқиқотлар ва ижтимоий-иқтисодий муносабатлар мажмуи ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда абстракт-мантиқий таҳлил, тизимли таҳлил, иқтисодий-математик усуллар, регрессион таҳлил, экстрополяция ва илмий экспедиция усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

“туризм” ва “минтақавий туризм” тушунчаларининг экологик, табиий-иқлимий, маданий ва тарихий туристик ресурслар хусусиятларини инобатга олган ҳолда янги таҳрирдаги такомиллашган таърифи ишлаб чиқилган;

минтақаларнинг туристик салоҳиятидан юқори даражада фойдаланиш, туристик оқимнинг барқарор ўсишига эришиш, туристик оқими паст бўлган ҳудудлар рейтинг даражасини ошириш мақсадида Ўзбекистон ҳудудлари “Шарқий”, “Шимолий-шарқий”, “Жанубий”, “Марказий” ва “Шимолий-ғарбий” туризм минтақаларига районлаштирилган;

минтақада туризмнинг барқарор ривожланишини таъминлайдиган, ташкилий жиҳатдан туризм соҳасининг унга ёндош тармоқлар билан биргаликдаги ривожланиш йўналишини белгилайдиган ва кластер таркибий қисмларининг ривожланиши учун самарали иқтисодий шароит яратувчи “Минтақавий туризм кластери”нинг ташкилий-иқтисодий механизми ишлаб чиқилган;

мамлакатимизнинг туристик салоҳияти ва жозибадорлиги акс эттирилган веб-сайтларни ўзида бирлаштириб, халқаро туризм бозори учун рақобатбардош туристик маҳсулотни шакллантиришда туристларнинг буюртмали турларга бўлган эҳтиёжини қондириш имкониятини яратадиган “Минтақавий туризм портали”нинг тузилиши ва умумий архитектураси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

туризм минтақаларини районлаштиришда мавжуд туристик салоҳият ва улардан самарали фойдаланиш даражасини ошириш мақсадида Сирдарё

вилоятини Тошкент вилояти билан, Жиззах, Навоий вилоятларини Самарқанд ва Бухоро вилоятлари билан шартли равишда бирлаштириш тавсия қилинган;

рақамли иқтисодиёт шароитида пандемиядан сўнг туризм соҳаси ривожланишини тиклаш бўйича стратегик режалаштиришнинг таркибий қисми ишлаб чиқилган ва режалаштириш жараёнини амалга ошириш механизми тавсия қилинган;

туристик минтақаларнинг шинам иқлим шароитлари, бой табиий ва маданий-тарихий ресурслари имкониятларидан келиб чиққан ҳолда туризмга ихтисослашуви аниқланган ва ҳар бир туристик минтақада туризм турларини ривожлантириш имкониятлари баҳоланган;

марказий туризм минтақаси бўйича “Ўзбек халқининг меъроси ва бетакрор табиати” номли туристик пакети ва унинг туристик маршрути ишлаб чиқилган;

Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантириш, туристик салоҳияти жозибадорлигини ошириш учун минтақавий туризм кластерини яратиш ва унинг ташкилий-иқтисодий механизми тавсия қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги тадқиқотда қўлланилган услубий ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан олингани ҳамда хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалда синовдан ўтгани, шунингдек, олинган натижаларнинг амалиётда фойдаланилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти минтақада туризмни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштиришга йўналтирилган аниқ тавсияларнинг назарий ва методик асосларини шакллантириш имконияти мавжудлиги ҳамда улардан туризм минтақаларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти минтақаларда туризмни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш орқали соҳада туристик хизматларнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улушини ошириш бўйича таклифлардан Туризм ва спорт вазирлиги тасарруфидаги тузилмалар фаолиятида бевосита фойдаланиш мумкинлиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантиришнинг 2019-2025 йилларга мўлжалланган Концепциясида белгиланган вазифаларни бажариш юзасидан чора-тадбирларни ишлаб чиқишга муайян даражада хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Минтақавий туризмни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш юзасидан олинган илмий натижалар асосида:

“туризм” ва “минтақавий туризм” тушунчаларининг экологик, табиий-иқлимий, маданий ва тарихий туристик ресурслар хусусиятларини инобатга олган ҳолда янги таҳрирдаги такомиллашган таърифи 5610300-“Туризм (халқаро ва ички туризм)” таълим йўналишининг талабалари учун

тайёрланган “Минтақавий туризм” номли ўқув қўлланмага киритилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 2 ноябрдаги 1023-сонли буйруғи, 1023-0872 рақамли гувоҳнома). Илмий натижа туристик хизматлар соҳасида “туризм” ва “минтақавий туризм” тушунчаларнинг ижтимоий-иқтисодий мазмунини тизимли ва кенгроқ тушунишини таъминлаш орқали ўқитиш сифатини оширишга эришилган;

минтақаларнинг туристик салоҳиятидан юқори даражада фойдаланиш, туристик оқимнинг барқарор ўсишига эришиш, туристик оқими паст бўлган ҳудудлар рейтинг даражасини ошириш мақсадида Ўзбекистон ҳудудларини “Шарқий”, “Шимолий-шарқий”, “Жанубий”, “Марказий” ва “Шимолий-ғарбий” туризм минтақаларига районлаштириш таклифи Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган “2019-2020 йилларда ҳудудларнинг туризм салоҳиятини изчил ўрганиш натижасида амалга оширилиши режалаштирилган чора-тадбирлар” дастури ҳамда “Йўл хариталари”да белгиланган вазифаларнинг амалга оширилишида фойдаланилган (Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитасининг 2020 йил 1 майдаги 02-16/2505-сон маълумотномаси). Ушбу таклифдан фойдаланиш минтақа таркибига кирувчи барча вилоятларнинг туристик салоҳиятидан самарали фойдаланиш, ҳар бир минтақаларда туристларнинг бўлиш давомийлиги, мажмуали ва мавзули туристик маршрутлар ишлаб чиқиш даражасини оширган;

минтақада туризмнинг барқарор ривожланишини таъминлайдиган, ташкилий жиҳатдан туризм соҳасининг унга ёндош тармоқлар билан биргаликдаги ривожланиш йўналишини белгилайдиган ва кластер таркибий қисмларининг ривожланиши учун самарали иқтисодий шароит яратувчи “Минтақавий туризм кластери”нинг ташкилий-иқтисодий механизми Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган “2019-2020 йилларда ҳудудларнинг туризм салоҳиятини изчил ўрганиш натижасида амалга оширилиши режалаштирилган чора-тадбирлар” дастури ҳамда “Йўл хариталари”да белгиланган вазифаларнинг амалга оширилишида фойдаланилган (Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитасининг 2020 йил 1 майдаги 02-16/2505-сон маълумотномаси). Ушбу таклифдан фойдаланиш, янги йўналишлардаги туристик маҳсулотларни ишлаб чиқишда минтақаларнинг қамраб олиниш даражасини ошириш ҳамда туризмни минтақавий даражада ташкил қилиш ва ривожлантиришга хизмат қилган;

мамлакатимизнинг туристик салоҳияти ва жозибадорлиги акс эттирилган веб-сайтларни ўзида бирлаштириб, халқаро туризм бозори учун рақобатбардош туристик маҳсулотни шакллантиришда туристларнинг буюртмали турларга бўлган эҳтиёжини қондириш имкониятини яратадиган “Минтақавий туризм портали”нинг тузилиши ва умумий архитектураси Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган “2019-2020 йилларда ҳудудларнинг туризм салоҳиятини изчил ўрганиш натижасида амалга оширилиши режалаштирилган чора-тадбирлар” дастури ҳамда “Йўл хариталари”да белгиланган вазифаларнинг амалга оширилишида фойдаланилган (Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитасининг 2020 йил

1 майдаги 02-16/2505-сон маълумотномаси). Ушбу таклифдан фойдаланиш туристларнинг мамлакат миллий туристик маҳсулотлари ва жозибадор туристик ҳудудлари ҳақида маълумотларга эга бўлишлари учун имконият яратиб, туристик маҳсулотнинг жозибадорлиги ва мамлакатимизга ташриф буюрувчи потенциал туристлар оқимининг барқарор ўсишига ёрдам берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси: Мазкур тадқиқот натижалари 19 та, жумладан 5 та республика ва 14 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинган ва ижобий хулосалар олинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги: Диссертация мавзуси бўйича 30 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та ва 3 та мақола хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 144 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Минтақавий туризмни ташкил қилиш ва ривожлантиришнинг илмий асослари”** деб номланган биринчи бобида туризм хизмат бозорини ривожлантиришда “туризм” ва “минтақавий туризм” тушунчаларининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти, туристик минтақаларни шакллантириш ва ривожлантириш хусусиятлари, минтақавий туризмни ташкил қилиш ва ривожлантиришга таъсир қилувчи омиллари берилган.

Бугунги кунда туризмнинг назарий ва амалий жиҳатларига оид ва унинг кўп қирралигини исботловчи кўпсонли таърифлари мавжуд. Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги янги Қонунида туризм тушунчасига қуйидаги тарзда таъриф берилган: - “Жисмоний шахснинг вақтинча бўлиш мамлакатадаги (жойидаги) манбалардан даромад олиш билан боғлиқ бўлган фаолият билан шуғулланмаган ҳолда доимий яшаш жойидан жўнаб кетиши (саёҳат қилиши)”⁶.

Бизнингча, туризм инсоннинг яшаш ва иш жойини ўзгартириш билан боғлиқ бўлмаган тақдирда, бир минтақадан (туман, шаҳар, мамлакатлар) бошқасига вақтинчалик ҳаракат қилиши, бориб келиши билан тавсифланади.

⁶ Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги Қонун. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.07.2019 й., 03/19/549/3446-сон

Туризм дам олиш, даволаниш, маданий, илмий ва иш бўйича учрашувларда қатнашиш билан боғлиқ бўлган жараёндр.

Ҳозирги пайтда “минтақа” ва “минтақавий туризм” тушунчаларининг таърифлари ижтимоий-иқтисодий география, минтақавий иқтисодиёт, давлат бошқаруви назариялари, сиёсатшунослик каби адабиётларда тадқиқотчи олимлар томонидан турлича изоҳланган. Таъкидлаш лозимки, “минтақавий туризм” тушунчасини ўрганиш жараёнида мамлакатимиз минтақаларидаги туризм салоҳиятини тадқиқ қилиш, бевосита минтақалар бўйича туризмнинг ривожланиш тенденцияларини аниқлаш бўйича илмий тадқиқот ишлари етарли даражада олиб борилмагани маълум бўлди.

Бизнингча “минтақавий туризм” - бу туристик хизматлар тақдим этиладиган, турист учун алоҳида қизиқиш уйғотадиган, табиий-иқлимий, маданий ва тарихий ресурслар, кўнгилочар ёки бошқа мажмуалардан фойдаланган ҳолда туристлар эҳтиёжларини қондириш имкониятларига эга бўлган ўзаро чегарадош, бир гуруҳ мамлакатлар ёки вилоятлардан иборат бўлган ҳудуд туризми ҳисобланади. Туристик минтақа туристлар ёки туристлар гуруҳи томонидан танланган, диққатга сазовор жойлар ва туристик объектлар ҳамда уларга мослашган хизматлар тўплами тақдим қилинадиган жой (дестинация) ҳисобланади.


Бутунжаҳон туризм ташкилоти туристик минтақани дам олиш ва хордиқ чиқариш, ўқув жараёни ва соғлиқни тиклаш учун зарурий бўлган махсус қурилма ва иншоотлар ҳамда хизматлар кўрсатиладиган жой сифатида таърифлайди. Ушбу таърифдан хулоса қилиш мумкинки, туристик минтақа туристлар ташриф буюришлари учун зарурий шарт-шароитларга эга мустақил дестинация ҳисобланади.

Туристик районлаштиришда Бутунжаҳон туризм ташкилоти дунё мамлакатларини бешта йирик туристик макро минтақаларга ажратган (Европа туристик минтақаси, Яқин Шарқ туристик минтақаси, Осиё-Тинч океани туристик минтақаси, Америка туристик минтақаси, Африка туристик минтақаси). Туристик районлаштиришнинг навбатдаги бирлиги бу мамлакат даражасида бўлиб, ҳар бир мамлакатнинг туризм салоҳиятини алоҳида кўриб чиқиш унинг салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва мавжуд туристик имкониятларини тўлиқ ишга солиш ва ривожлантириш имкониятини яратади.

Туристик ва рекреацион районлаштириш, биринчи навбатда, ҳудудларнинг табиий-рекреацион ресурсларини, иккинчидан, маданий ва тарихий диққатга сазовор жойларни ҳисобга олади. Бизнингча, ҳар бир минтақанинг маданий меъроси ва қадрияти туризмни ривожлантириш учун муҳим омил сифатида таҳлил қилиниши лозим, деб ҳисоблаймиз. Шу туфайли, ҳар бир ҳудуднинг маданий меросини максимал даражада ҳисобга олиш ва режалаштириш учун тадқиқот жараёнида анъанавий туристик-рекреацион районлаштиришдан сифат жиҳатидан фарқ қиладиган янги туристик районлаштириш тизимини яратиш лозим бўлди.

Туризм соҳасига оид хорижий ва маҳаллий адабиётларни, Бутунжаҳон туризм ташкилотининг макро даражадаги туристик минтақаларга ажратиш

методикаларини ўрганган ҳолда, Ўзбекистон вилоятларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги мавжуд районлаштириш ҳолатидан фарқли ўларок, бевосита туризмнинг ЯИМ даги улушини аниқлаш, минтақаларнинг туристик салоҳиятидан юқори даражада фойдаланиш, жойларда туристик оқимнинг барқарор ўсишига имкон берадиган ва туризм соҳасининг бошқарув механизми самарадорлигини ҳамда туристик оқими жуда паст бўлган ҳудудлар имкониятларидан фойдаланиш даражасини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг ҳудудларини қуйидаги бешта туризм минтақаларига шартли равишда ажратишни тавсия қилдик (1-расм).



1-расм. Ўзбекистон Республикасининг ҳудудларини янги туризм минтақаларига ажратиш ҳолати⁷.

Ўзбекистон Республикасининг ҳудудларини мазкур туризм минтақаларига шартли равишда ажратишда ҳудудларнинг географик жойлашуви, туризм ресурслари салоҳияти, туристик жозибадорлик даражаси, табиий-иқлимий ва маданий-тарихий ресурсларнинг, кўнгилочар жойларнинг мавжудлиги, ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари, туризмнинг турлари, ички ва халқаро туризмни ташкил қилиш ва ривожлантириш имкониятлари ҳисобга олинди.

Тадқиқот натижаларида Ўзбекистон вилоятларида туризм соҳасининг тенг ривожланмаётганлиги айниқса, республиканинг Сирдарё, Жиззах, Навоий вилоятлари бугунги кунда мавжуд туризм салоҳиятидан етарли даражада фойдаланмаслиги аниқланди. Шу туфайли туризм минтақаларини шакллантиришда мавжуд туристик салоҳият ва улардан самарали

⁷ Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган

фойдаланиш даражасини ошириш имкониятларига жиддий эътибор берилди ҳамда Сирдарё вилоятини Тошкент вилояти билан Жиззах, Навоий вилоятларини эса Самарқанд ва Бухоро вилоятлари билан шартли равишда бирлаштириб тадқиқот ишлари олиб борилди.

Бугунги кунда минтақавий туризм мамлакатларнинг иқтисодиётига ижобий таъсир кўрсатиб, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ўсишини таъминловчи асосий катализатор вазифасини бажаради. Минтақанинг ривожланишига туризмнинг бевосита таъсири замонавий туристик маҳсулотлар ишлаб чиқиш даражасини ошириш орқали туристлар маблағлари жалб қилинади, фаол минтақавий истеъмол бозори ташкил этилади ва минтақавий туризм индустриясининг инвестицияли жозибадорлиги ҳамда минтақадаги туризм индустрияси корхоналари сони ошади, туризм соҳасида бандлик даражаси кўрсаткичи яхшиланади.

Ҳисоб китобларга кўра минтақавий туризмни ривожлантиришга таъсир қилувчи омиллар ичида биринчи ўринда кучли таъсир кўрсатувчи омил сифатида минтақанинг ҳудудий жойлашишини қайд қилишимиз лозим. Минтақада туризмни барқарор ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи омилларнинг яна бир гуруҳига жойлаштириш воситалари, транспорт, умумий овқатланиш корхоналари, туристик-рекреацион ресурслар ҳамда чакана савдо корхоналарини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган моддий-техник омиллар киради. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда минтақавий туризмни ривожлантиришнинг самарадорлигини оширишда, юқорида санаб ўтилган омиллар ҳисобга олинмасдан, эътибор берилмай келинмоқда.

Диссертациянинг **“Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида минтақавий туризмни ривожлантириш ҳолати”** деб номланган иккинчи бобида Ўзбекистон вилоятларини туристик минтақаларга районлаштириш усули асосида таҳлил қилиш ва баҳолаш, минтақавий туристик маҳсулотларни ишлаб чиқиш орқали янги туристик йўналишларни аниқлаш ва минтақада туристик хизматларнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улушини, минтақанинг туризмга ихтисослашувини аниқлаш ва туристик жозибадорлигини баҳолаш омилларини аниқлаш каби масалалар тадқиқ қилинган.

Бугунги кунда, илмий адабиётларда минтақаларнинг туризм салоҳияти самарадорлиги масалалари бўйича олимларнинг ўз қарашлари, баҳолаш мезонлари ва баҳолаш параметрлари мавжуд. Ишда уларнинг минтақалар туристик-рекреацион салоҳиятининг ривожланишини баҳолаш усуллари келтирилган. Минтақавий туризм хизматлар бозорининг ривожланиш даражасини баҳолаш имконини берувчи таҳлилий усулларни қўллаган ҳолда, қатор тизимли кўрсаткичлар асосида минтақада туризмнинг ривожланиш ҳолати баҳоланди.

Унга кўра Ўзбекистон Республикасининг районлаштирилган туристик минтақалари бўйича 2019-2020 йиллардаги туристик фирма ва ташкилотлар ҳамда меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари фаолиятининг қуйидаги баҳолаш кўрсаткичлари орқали минтақалар рейтингини ҳисоб китоб қилинди (1-жадвал): туристик фирма ва ташкилотлар сони (ТФТ_c); туристик

фирма ва ташкилотлар томонидан хизмат кўрсатилганлар сони (ТФТ_{хк}); сотилган сайёҳлик йўлланмалари сони (СЙ_с); меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари объектлари сони (МЖВ_с); меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситаларидаги жойлар сони (МЖВ_{жс}); меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситаларига жойлаштирилган ташриф буюрувчилар сони (МЖВ_{тб}).

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси туризм минтақаларининг баҳолаш кўрсаткичлари бўйича ривожланиш ҳолати⁸.

| № | Асосий кўрсаткичлар | Жами минтақа бўйича | | | Минтақанинг республикадаги улуши (%) | | | Минтақаларнинг баҳолаш кўрсаткичлари бўйича рейтинг |
|---|---------------------|---------------------|----------|-------------|--------------------------------------|----------|-------------|---|
| | | 2019 йил | 2020 йил | Фарқи (+;-) | 2019 йил | 2020 йил | Фарқи (+;-) | |
| Шимолий-шарқий туризм минтақаси бўйича | | | | | | | | |
| 1 | ТФТ _с | 347 | 237 | -110 | 67,1 | 70,3 | 3,2 | 1 |
| 2 | ТФТ _{хк} | 361397 | 94540 | -266857 | 38,4 | 44,5 | 6,1 | 1 |
| 3 | СЙ _с | 215935 | 65252 | -150683 | 74,5 | 83,5 | 9 | 1 |
| 4 | МЖВ _с | 313 | 351 | 38 | 30,9 | 31,7 | 0,8 | 2 |
| 5 | МЖВ _{жс} | 20105 | 20588 | 483 | 43,1 | 41,5 | -1,6 | 1 |
| 6 | МЖВ _{тб} | 1117834 | 348786 | -769048 | 51,0 | 49,6 | -1,4 | 1 |
| Марказий туризм минтақаси бўйича | | | | | | | | |
| 1 | ТФТ _с | 123 | 68 | -55 | 23,8 | 20,2 | -3,6 | 2 |
| 2 | ТФТ _{хк} | 103433 | 30025 | -73408 | 11,0 | 14,1 | 3,1 | 3 |
| 3 | СЙ _с | 34042 | 1929 | -32113 | 11,7 | 2,5 | -9,2 | 4 |
| 4 | МЖВ _с | 380 | 405 | 25 | 37,5 | 36,5 | -1 | 1 |
| 5 | МЖВ _{жс} | 13746 | 15957 | 2211 | 29,5 | 32,2 | 2,7 | 2 |
| 6 | МЖВ _{тб} | 581022 | 169811 | -411211 | 26,5 | 24,2 | -2,3 | 2 |
| Шарқий туризм минтақаси бўйича | | | | | | | | |
| 1 | ТФТ _с | 19 | 14 | -5 | 3,7 | 4,2 | 0,5 | 3 |
| 2 | ТФТ _{хк} | 4736 | 5020 | 284 | 0,5 | 2,4 | 1,9 | 4 |
| 3 | СЙ _с | 8902 | 2561 | -6341 | 3,1 | 3,3 | 0,2 | 3 |
| 4 | МЖВ _с | 135 | 152 | 17 | 13,3 | 13,7 | 0,4 | 3 |
| 5 | МЖВ _{жс} | 5571 | 6040 | 469 | 11,9 | 12,2 | 0,3 | 3 |
| 6 | МЖВ _{тб} | 181807 | 90448 | -91359 | 8,3 | 12,9 | 4,6 | 3 |
| Шимолий-ғарбий туризм минтақаси бўйича | | | | | | | | |
| 1 | ТФТ _с | 18 | 14 | -4 | 3,5 | 4,2 | 0,7 | 4 |
| 2 | ТФТ _{хк} | 456591 | 81100 | -375491 | 48,5 | 38,2 | -10,3 | 2 |
| 3 | СЙ _с | 28470 | 8313 | -20157 | 9,8 | 10,6 | 0,8 | 2 |
| 4 | МЖВ _с | 99 | 129 | 30 | 9,8 | 11,6 | 1,8 | 4 |
| 5 | МЖВ _{жс} | 4168 | 5013 | 845 | 8,9 | 10,1 | 1,2 | 4 |
| 6 | МЖВ _{тб} | 202002 | 43766 | -158236 | 9,2 | 6,2 | -3 | 5 |
| Жанубий туризм минтақаси бўйича | | | | | | | | |
| 1 | ТФТ _с | 10 | 4 | -6 | 1,9 | 1,2 | -0,7 | 5 |
| 2 | ТФТ _{хк} | 15833 | 1664 | -14169 | 1,7 | 0,8 | -0,9 | 5 |
| 3 | СЙ _с | 2471 | 111 | -2360 | 0,9 | 0,1 | -0,8 | 5 |
| 4 | МЖВ _с | 86 | 72 | -14 | 8,5 | 6,5 | -2 | 5 |
| 5 | МЖВ _{жс} | 3081 | 1968 | -1113 | 6,6 | 4,0 | -2,6 | 5 |
| 6 | МЖВ _{тб} | 114329 | 49977 | -64352 | 5,2 | 7,1 | 1,9 | 4 |

⁸ “Ўзбекистон Республикасида туризм ва дам олиш ривожланишининг асосий кўрсаткичлари” номли статистик бюллетень маълумотлари асосида муаллиф томонидан таҳлил қилинган.

COVID-19 пандемияси мамлакатимиз туризмига ҳам жиддий таъсирини кўрсатмоқда. Коронавирус пандемияси туфайли юз берган глобал инқироз натижасида мамлакатимиз туризми энг жиддий зарар кўрган соҳалардан бири бўлди. 2020 йилда жами 1 млн 504 минг турист ташриф буюрган ва 261 миллион АҚШ доллари миқдоридаги туризм хизматлари кўрсатилган⁹.

1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2020 йилда туристик фирма ва ташкилотлар ҳамда меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари фаолияти билан боғлиқ бўлган деярли барча кўрсаткичларда 2019 йилга нисбатан пасайиш тенденциялари кузатилган.

Шимолӣ-шарқӣ туристик минтақа республикада туризм салоҳияти ва туризм турларини ривожлантириш имкониятлари бўйича биринчи ўриндаги минтақа ҳисобланади. Ушбу минтақа таҳлил қилинганда, мазкур минтақа келажакда барча кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистонда етакчилик қилиш учун аввало мавжуд меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари сонининг республикадаги улушини ошириши лозим бўлади. Бунинг учун минтақадаги Сирдарё вилоятининг туризм салоҳиятини ривожлантириш имкониятлари бўйича асосий кўрсаткичларини оширишга тўғри келади.

Марказий туризм минтақаси 2020 йилда туристик фирма ва ташкилотлар сони, меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситаларидаги жойлар сони ҳамда меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситаларига жойлаштирилган ташриф буюрувчилар сони бўйича республикадаги улуши 20,2%, 32,2% ва 24,2% ларни ташкил қилиб, иккинчи ўринни эгаллаб туриши аниқланди. Аммо туристик фирма ва ташкилотлар томонидан хизмат кўрсатилганлар сони бўйича 14,1% билан учинчи ва сотилган сайёҳлик йўлланмалари сони бўйича республикада тўртинчи ўринда турибди. Ушбу минтақанинг туризм салоҳияти ва туризм турларини ривожлантириш имкониятлари таҳлил қилинганда меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари сони (36,5%) бўйича биринчи ўринни эгаллаб турибди. Мазкур минтақанинг туризм салоҳиятини ҳисобга олиб, Жиззах ва Навоӣ вилоятларининг туристик имкониятларидан максимал даражада фойдаланиш бўйича аниқ чора-тадбирларни белгилаш, Туризм ва спорт вазирлиги ҳамда маҳаллий ҳокимиятларнинг пандемиядан кейинги минтақавий мақсадли дастурларини тайёрлашда ҳудудлар хусусиятларини ҳисобга олишни тавсия қиламиз.

Шарқӣ туризм минтақаси 2020 йилда туристик фирма ва ташкилотлар сони, сотилган сайёҳлик йўлланмалари сони, меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари сони, меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситаларидаги жойлар сони ҳамда меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситаларига жойлаштирилган ташриф буюрувчилар сони кўрсаткичлари бўйича республикадаги улуши мос равишда 4,2%, 3,3%, 13,7%, 12,2% ва 12,9% ни ташкил қилиб, учинчи ўринни эгаллаб турибди. Аммо, туристик фирма ва ташкилотлар томонидан хизмат кўрсатилганлар сони бўйича 2,4% ни ташкил қилиб тўртинчи ўринни эгаллаб тургани

⁹ <https://xs.uz/uzkr/post/ozbekiston-2020-jil-turizm-sohasidan-qancha-pul-ishlab-oldi>

аниқланди. Демак бу минтақаларни эгаллаб турган ўрнига нисбатан хорижий инвестицияларни киритишда ва Туризм ва спорт вазирлиги томонидан туризм соҳасини ривожлантиришни минтақавий режалаштириш жараёнида ушбу хусусиятларни ҳисобга олиш лозим.

Жанубий туристик минтақа республикада туризм салоҳияти ва туризм турларини ривожлантириш имкониятлари бўйича бешинчи ўриндаги минтақа ҳисобланади. Жанубий туризм минтақаси 2020 йилда биргина меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситаларига жойлаштирилган ташриф буюрувчилар сони бўйича республикадаги улуши 7,1% ни ташкил қилиб тўртинчи ўринни эгаллаб турганлиги аниқланди. Жанубий туристик минтақаси республикада туризм салоҳияти ва туризм турларини ривожлантириш имкониятлари бўйича таҳлили фақат битта кўрсаткич, яъни меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситаларига жойлаштирилган ташриф буюрувчилар сони бўйича республикада Шимолий-ғарбий туристик минтақага нисбатан устунлик қилиши аниқланди.


Шимолий-ғарбий туризм минтақаси 2020 йилда туристик фирма ва ташкилотлар сони, меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари сони ҳамда меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситаларидаги жойлар сони кўрсаткичлари бўйича республикадаги улуши, мос равишда 4,2%, 11,6%, 10,1 % ни ташкил қилиб, минтақалар рейтингда ушбу кўрсаткичлар бўйича тўртинчи, туристик фирма ва ташкилотлар томонидан хизмат кўрсатилганлар сони (38,2%) ва сотилган сайёҳлик йўлланмалари (10,6%) бўйича иккинчи ўринни эгаллаб турибди. Аммо Шимолий-ғарбий туризм минтақасининг республикада туризм салоҳияти ва туризм турларини ривожлантириш имкониятлари бўйича таҳлили, меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситаларига жойлаштирилган ташриф буюрувчилар сони бўйича республикадаги улуши 6,2% ни ташкил қилиб, энг охириги ўриндаги туристик минтақа эканлиги аниқланди.

Минтақавий туризмни ривожлантиришдаги муаммолар қаторида минтақа иқтисодиётида туризмнинг тутган ўрни, туристик маҳсулотларни шакллантириш, янги йўналишлардаги туристик маршрутларни ишлаб чиқишга қаратилган илмий-услубий ишларининг етарли эмаслиги билан изоҳланади. Бугунги кунда республикамизда фаолият кўрсатаётган 149 дан ортиқ турдаги туристик маршрутларимиз анъанавий, классик тарзда ишлаб чиқилаётганлиги сабабли, бугунги қўйиладиган талабларга жавоб бермаслиги туфайли мамлакатимизнинг барча ҳудуд ва минтақаларини қамраб ололмаган (2-расм).

Ишлаб чиқилган туристик маршрутларда асосан бугунги кунда туристик марказ сифатида эътироф этилаётган Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хоразм вилоятлари жой олган ва туристик маршрутларнинг ушбу ҳудудларни қамраб олиш даражаси мос равишда 149 та туристик маршрутнинг 93,29 %, 68,46%, 67,79% ва 51,01% ни ташкил этмоқда.


Расмда кўрсатилганидек Андижон (5,37%), Наманган (4,7%), Жиззах (1,34%) вилоятларига деярли туристик маршрутлар ишлаб чиқилмаётганлиги, Сирдарё вилояти эса умуман четда қолаётганлигини

кўришимиз мумкин. Ваҳоланки, ушбу ҳудудларда ҳам туристик маршрутлардан фойдаланиш мумкин бўлган, туристик жозибадорликка эга туристик салоҳият мавжуд.



2-расм. Ўзбекистоннинг мавжуд туристик маршрутларида ҳудудлардаги туристик салоҳиятдан фойдаланиш даражаси (%)¹⁰

Туризм соҳасининг самарадорлик даражасига таъсир этувчи омиллардан бири бу туристларнинг маълум бир мамлакат ёки минтақада қолиш давомийлиги яъни тур кунлари даражаси ҳисобланади. Тур кунлари сонининг кўпайиши, туристик маршрутлар ишлаб чиқиш тамойилларига ва талаблари асосида яратилишига боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган туристик маршрутларнинг тур кунлари давомийлигини таҳлил қилишимиз натижасида қуйидаги ҳолат аниқланди (3-расм).



3-расм. Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган 149 та туристик маршрутларнинг давомийлик вақти¹¹

¹⁰ Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган

3-расм маълумотларидан кўришиб турганидек, мавжуд туристик маршрутларнинг давомийлиги асосан 2 кун 1 тундан 5 кун 4 тунгача 36% ни, 6 кун 5 тундан 10 кун 9 тунгача 29% ни, 11 кун 10 тундан 15 кун 14 тунгача 18 %ни, 16 кун 15 тундан 20 кун 19 тунгача 2%ни ва умуман тунаб қолиш кўзда тутилмаган маршрутлар 15% ни ташкил этиши аниқланди.

Ҳозирги вақтда Давлат статистика органларининг кўрсаткичлар тизими минтақа иқтисодиётининг туризм соҳасидаги самарадорлигини баҳолашда ва алоҳида туристик фирмалар фаолияти даражасида туристларга тўлов эвазига кўрсатиладиган туристик хизматлар сотилишидан ялпи тушумни баҳолаш кўрсаткичларини такомиллаштиришни талаб қилмоқда. Шу туфайли ушбу масала Марказий туризм минтақасида туристик фаолиятнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улушини аниқлаш мисолида кўриб чиқилди.

Ушбу ҳисоб-китобни амалга ошириш учун, аввало, бир туристга тўғри келадиган бевосита туристик харажатлар миқдорини аниқлаб олиш лозим бўлади. Ушбу кўрсаткич икки босқичли ҳисоб-китобларда амалга оширилди. *Биринчи босқичда*, Марказий туризм минтақасига ташриф буюрган, тунаб қолган битта туристга тўғри келадиган туристик харажатлар аниқланди. Бунда, минтақага ташриф буюрувчи тунаб қолувчи туристларнинг ўртача тур давомийлиги 3 кун 2 кеча сифатида олинди. *Иккинчи босқичда*, Марказий туризм минтақасига бир кунлик ташриф буюрувчилар (экскурсантлар) томонидан қилинадиган харажатлар аниқлаб олинди.

Ҳисоб-китоблар натижасига кўра, Марказий туризм минтақасига келган тунаб қолувчи ташриф буюрувчи туристларнинг харажати 2020 йилда¹² 1 756 000 сўмни, бир кунлик ташриф буюрувчилар (экскурсантлар) томонидан қилинадиган харажатлар ўртача 349 000 сўмга тўғри келади.

Марказий туристик минтақанинг туристик хизматлар ҳажми ($МТМ_{ТХХ}$) қуйидаги формула орқали ҳисоб-китоб қилинди:

$$МТМ_{ТХХ} = Тх_{ТҚ} * \sum Тс_{ТҚ} + Тх_{1к} * \sum Тс_{1к} \quad (1)$$

$$\sum Тс_{ТҚ} = Тс_{ТҚ(Ж)} + Тс_{ТҚ(С)} + Тс_{ТҚ(Н)} + Тс_{ТҚ(Б)} \quad (2)$$

$$\sum Тс_{1к} = Тс_{1к(Ж)} + Тс_{1к(С)} + Тс_{1к(Н)} + Тс_{1к(Б)} \quad (3)$$

Бунда: $Тх_{ТҚ}$ – Марказий туристик минтақага ташриф буюрувчи тунаб қолувчи туристнинг ўртача харажатлари миқдори, $Тх_{1к}$ – Марказий туристик минтақага бир кунлик ташриф буюрувчилар (экскурсантлар) томонидан қилинадиган ўртача харажатлар миқдори, $\sum Тс_{ТҚ}$ – Марказий туристик минтақага ташриф буюрувчи тунаб қолувчи туристлар сони, $\sum Тс_{1к}$ – Марказий туристик минтақага бир кунлик ташриф буюрувчилар (экскурсантлар) сони, $Тс_{ТҚ(...)}$ – мос равишда Жиззах, Самарқанд, Навоий ва Бухоро вилоятларига ташриф буюрувчи тунаб қолувчи туристлар сони,

¹¹ Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган

¹² 2020 йилнинг 1-январ ҳолати бўйича ҳисоб-китоб қилинган

$T_{c_{1k(\dots)}}$ – мос равишда Жиззах, Самарқанд, Навоий ва Бухоро вилоятларига бир кунлик ташриф буюрувчилар (экскурсантлар) сони.

Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси маълумотлари ва юқоридаги формулалар асосидаги ҳисоб-китоблар натижасида, Марказий туризм минтақасида жами хизмат кўрсатилган ташриф буюрувчилар сони 625942 кишини, жумладан, тунаб қолувчи ташриф буюрувчилар 581031 нафарни ҳамда бир кунлик ташриф буюрувчилар сони 44911 нафарни ташкил этганлиги ҳамда мазкур кўрсаткичлар асосида Марказий туристик минтақанинг туристик хизматлар ҳажми 1036,6 млрд. сўм.га тенг эканлиги аниқланди.

Марказий туризм минтақаси бўйича туристик хизматларнинг жами хизматлар ҳажмидаги улуши (T_{X_y}) қуйидаги формулалар орқали ҳисоб-китоб қилинди:

$$T_{X_y} = \frac{MTM_{TXX}}{\sum X_x} * 100 \quad (4)$$

$$\sum X_x = ЖХХ_{Ж} + ЖХХ_{С} + ЖХХ_{Н} + ЖХХ_{Б} \quad (5)$$

Бунда: $\sum X_x$ - марказий туризм минтақа бўйича жами хизматлар ҳажми (млрд. сўм), $ЖХХ_{...}$ – мос равишда Жиззах, Самарқанд, Навоий ва Бухоро вилоятларининг жами хизматлари ҳажми.

Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси маълумотлари бўйича, Марказий туризм минтақасида 2019 йилдаги жами хизматлар ҳажми 30561,3 млрд. сўмни ташкил этиши аниқланди. Бунда, Марказий туризм минтақасидаги жами хизматлар ҳажмининг 14,1%и Жиззах вилоятига, 41,8%и Самарқанд вилоятига, 16,5%и Навоий вилоятига, 27,5%и Бухоро вилоятига тўғри келмоқда.

Минтақада туристик хизматлар ҳажмининг 1036,6 млрд. сўм, жами хизматлар ҳажмининг 30561,3 млрд. сўмлигидан келиб чиқиб, марказий туризм минтақаси бўйича жами хизматларнинг умумий ҳажмидаги туристик хизматларнинг улуши 3,4 % эканлиги аниқланди.

Туризм соҳасининг ЯИМдаги улушини аниқ баҳолаш мақсадида, ялпи ҳудудий маҳсулотни ҳисоблаш методикаси асосида, диссертация ишида марказий минтақа туристик хизматларининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши ҳисоб-китоб қилинди¹³. Туристик хизматларнинг марказий туристик минтақа иктисодиётига бевосита таъсирини аниқлаш мақсадида ушбу минтақада туристик хизматларнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши ($T_{X_{ЯХМ}}$) қуйидаги формула билан аниқланди.

$$T_{X_{ЯХМ}} = \frac{MTM_{TXX}}{ЯХМ_{MTM}} * 100 \quad (6)$$

Бунда: $ЯХМ_{MTM}$ – Марказий туристик минтақа ялпи ҳудудий маҳсулоти ҳажми (млрд.сўм).

